

## **II. ИЛМИЙ – ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ САМАРАДОРЛИГИ**

### **2.1. Филиалнинг олий таълимдан кейинги таълим институти фаолияти самарадорлиги (таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилик, стажёр-тадқиқотчилик).**

#### **Таянч докторантура**

Филиалда ЎзР ОЎМТВнинг 2019 йил 15 октябрдаги 4/2-сонли Ҳайъат қарори билан 05.01.02 – “Тизимли таҳлил, бошқарув, ахборотларни қайта ишлаш”, 05.01.04 – “Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти”, 13.00.05 – “Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси” ихтисосликлари бўйича таянч докторантура ташкил этилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиалига 2021 йил учун таянч докторантурага қуйидаги талабгорлар қабул қилинди:

1. 13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси (педагогика фанлари) ихтисослиги бўйича: **Ҳалимов Ўктам Ҳайдарович.**

2. 05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув, ахборотларни қайта ишлаш ихтисослиги бўйича: **Сайдалиев Бобир Махамдалиевич.**

3. 05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти ихтисослиги бўйича: **Қувондиқов Жўра Турсинбоевич.**

#### **Мустақил изланувчилик**

«Амалий математика ва информатика» кафедрасида Филиал директорининг 2020 йил 3 июндаги № 282-АФ сон буйруғи билан Эшонқулов Бунёд Сайдуллаевич суҳбат асосида мустақил изланувчиликка қабул қилинди ва амалий математика ва информатика кафедрасидан раҳбар этиб педагогика фанлари доктори, доцент Олим Холбутаевич Туракулов бириктирилди.

#### **Стажёр-тадқиқотчилик**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали директорининг 2020 йил 19 декабрдаги 519-АФ сон буйруғи билан суҳбат асосида қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2021 йил учун стажёр-тадқиқотчиликка талабгорлар қабул қилинди:

1. 13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси (педагогика фанлари) ихтисослиги бўйича: **Маманов Сирож Қахрамон ўғли.**

2. 05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотларни қайта ишлаш ихтисослиги бўйича: **Абдурахманов Зоҳиджон Бахтиёр ўғли.**

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиалининг куйидаги профессор-ўқитувчилари изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

Психология ва гуманитар фанлар кафедраси доценти Б.Носиров т.ф.д., проф. С.Шадманова илмий маслаҳатчилигида “Ўзбекистонда умумий овқатланиш тизими: анъана ва трансформация (XIX аср охири- XXI аср бошлари)” илмий мавзусида илмий-тадқиқот иши олиб борилмоқда. Унинг илмий мавзуси ва раҳбари ЎзР ВМ ҳузуридаги ОАК ахборотномасида тасдиқланган.

Психология ва гуманитар фанлар кафедраси ассистенти У.Ибайдуллаева томонидан п.ф.д., профессор Ғ.Б.Шоумаров илмий раҳбарлигида “Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги низоларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” мавзусида илмий тадқиқот иши олиб борилмоқда. Унинг илмий мавзуси ва раҳбари ЎзР ВМ ҳузуридаги ОАК ахборотномасида тасдиқланган.

Психология ва гуманитар фанлар кафедраси стажёр-ўқитувчиси Ш.Джуманов томонидан “Талабаларда коммуникатив қобилиятларни шакллантириш технологияларини такомиллаштириш” илмий мавзусида педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш юзасидан тадқиқот иши олиб борилмоқда.

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудир У.Жаббаров томонидан п.ф.д., доц.А.Т.Нурмонов илмий раҳбарлигида “Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштириш” мавзусида илмий тадқиқот иши олиб борилмоқда. Унинг илмий мавзуси ва раҳбари ЎзР ВМ ҳузуридаги ОАК ахборотномасида тасдиқланган.

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ассистенти А.Суярова “Жанр публицистики в литературно-политической деятельности Ш.Рашидова” илмий мавзусида ва Г.Мажидова “Pragmatics in teaching languages” илмий мавзусида қиёсий адабиётшунослик, типологик ва чоғиштира тилшунослик, лингвистик таржимашунослик ихтисосликлари бўйича фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тадқиқот иши олиб боришмоқда.

Табиий фанлар ва иқтисодиёт кафедраси ассистенти И.Маматкулова томонидан б.ф.н. О.С.Абдураимов илмий раҳбарлигида “Туркистон тоғ тизмасида тарқалган Elwendia Voiss туркуми турларининг морфобиологик хусусиятлари ва ценопопуляцияларининг ҳолати” мавзусида илмий тадқиқот иши олиб борилмоқда.

Табиий фанлар ва иқтисодиёт кафедраси ассистенти С.Саитов “Институционал ўзгартиришларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш” ва ушбу кафедра ассистенти С. Шарипова “Панжарадаги компакт қўзғалишли билапласион спектри” илмий мавзуларида иқтисодиёт ва математика фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражаларини олиш юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

## 2.4. Иқтидорли талабалар билан ишлаш

Филиал иқтидорли талабалар илмий раҳбарларга бириктирилган бўлиб, тегишли мавзуда илмий – тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Талабалар илмий – ижодий фаолиятини ташкил этиш, уларни илмий – тадқиқот ишларига жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ёшларни жисмоний, руҳий ва интеллектуал ривожлантириш, ҳамда ҳар томонлама талантили ва қобилиятли ёшларни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Филиал профессор-ўқитувчилари иқтидорли талабалар билан олиб борилаётган ишлар: Филиалда иқтидорли талабалар сони 26 нафарни ташкил этади. Кафедра профессорлари О.Х.Турақулов раҳбарлигида 2 та талаба, А.Р.Ахатов раҳбарлигида 3 та талаба, Н.О.Рахимов раҳбарлигида 2 та талаба, О.А.Қаюмов раҳбарлигида 2 та талаба, Ж.Т.Қувондиқов раҳбарлигида 2 та талаба, Х.Т. Дусанов раҳбарлигида 2 та талаба, А.Кенжаев раҳбарлигида 3 та талаба, И.Тугалов раҳбарлигида 2 та талаба, Х.Буранова раҳбарлигида 2 та талаба, А.Суярова раҳбарлигида 3 та талаба, Д.Қувондиқова раҳбарлигида 2 та талаба ва кафедра ассистентлари биргаликда иш олиб бормоқда.

Филиал профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида иқтидорли талабаларни жалб қилган ҳолда айни вақтда “Ёш биологлар”, “Математика олами”, “Ёш тарихчилар”, “Ёш руҳшунослар” каби тўғарақлар ҳамда спортнинг “Шахмат ва шашка” ва “Волейбол”, “Футбол” спорт секциялари фаолиятлари ташкил қилинган.

Бундан ташқари 2020 йил “Энг яхши мустақил иш” танлови жорий йилнинг I-семестрнинг охирида “Амалий математика ва информатика” йўналишида “Дастурлаш асослари” фанидан, “Психология” йўналишида “Умумий психология” фанидан талабалар томонидан тайёрланган энг сара мустақил иш муаллифлари аниқланди.

Амалий математика ва информатика кафедрасида “Дастурлаш асослари” фанидан энг яхши мустақил иш тайёрлаган талабалар:

**1-ўрин Абдуғаниев Ахрор 103-19 гуруҳ талабаси;**

**2-ўрин Айханов Аслиддин 103-19 гуруҳ талабаси;**

**3-ўрин Рахматов Дилмурод 103-19 гуруҳ талабаси.**

Психология кафедрасида “Умумий психология” фанидан энг яхши мустақил иш тайёрлаган талабалар:

**1-ўрин Қўшмонова Мадина 111-19 гуруҳ талабаси;**

**2-ўрин Асророва Сайёра 112-19 гуруҳ талабаси;**

**3-ўрин Абдусодиқова Покиза 113-19 гуруҳ талабалари** ғолиб деб топилди ва 1-чи ўрин совриндорлари **50 000 сўм** пул мукофоти билан тақдирланди. Кейинги ўрин соҳиблари махсус сертификат билан тақдирландилар.

2020 йил 20 феврал куни Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш сектори филиал талабаларининг илм-фан намоёндалари билан учрашувлар ташкил этиш юзасидан семинар ўтказилди.

Семинарда Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали физика-математика фанлари доктори, профессор С.Отакулов ва Жиззах политехника институти физика-математика фанлари номзоди А.Мусаевлар талабалар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

**“Жиззах ёшлар нигоҳида” шиори остида “Энг яхши тақдимот”** танлови 2020 йил март ойида гуруҳлар ўртасида ўтказилди.

Танлов номинациялари

- “Энг яхши дизайн”
- “Энг яхши креатив ёндашув”
- “Энг яхши мультимедиали тақдимот”
- “Энг яхши тақдимотчи”
- “Энг яхши импровизатор”
- “Энг уюшқоқ жамоа”
- “Полиглот жамоа”
- “Энг долзарб тақдимот”
- “Энг яхши фасилитатор”
- “Танлов кашфиёти”

Танлов номинациялари ғолиблари махсус сертификат билан тақдирланди.

**“Онлайн дарсларга тайёрман”** шиори остида видеороликлар танлови -2020 йил 20 апрель куни ўтказилди. Танлов натижаларига қуйидаги номинациялар: “Энг оммабоп видеоролик” номинацияси энг кўп кўрилган видеоролик (просмотр) ва “Энг севимли видеоролик” номинацияси энг кўп лайк йиғган 111-19 гуруҳ талабаси Қўшмонова Мадина ғолибликни қўлга киритди. “Энг яхши видеоролик” номинацияси креатив ва ижодий ёндашган 104-19 гуруҳ талабаси Абдуқодиров Умиджон ғолибликни қўлга киритди.

Иқтидорли талабаларни Ўзбекистон Русубликаси Президенти ва Давлат стипендияларига номзодларни тайёрлаш бўйича келажакдаги режалар белгилаб олинди. Филиалда иқтидорли талабаларнинг илмий фаолият билан шуғулланишлари учун уларга ўз мутахассисликлари бўйича илмий раҳбарлар бириктирилган ва улар мақсадли дастур асосида мунтазам илмий изланишлар олиб боришмоқда.

**Талабаларнинг фан олимпиадаларидаги иштироки.** Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича вазифалар ва Президентимиз илгари сурган 5 муҳим ташаббуснинг 3-чи компьютер технологиялари ва интернетдан фойдаланиш ҳамда секторнинг 2019-2020 ўқув йили учун иш режасидаги 7-банди талабаларнинг интернет тармоғидан кенг фойдаланишини йўлга қўйиш ва 14-банди филиалда фан олимпиадаларини ўтказиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда карантин даврида талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида танлов фанлари бўйича ички олимпиада сектор қошида ташкил

этилган Талабалар Кенгаши ташаббуси билан талаба-ёшлар ўртасида мутахассислик фанлардан кичик олимпиада шаклида жорий йилнинг 17-20 апрель кунлари ([t.me/uzmujiqtidor](https://t.me/uzmujiqtidor)) каналида 5та фандан онлайн мусобақа ўтказилди. Танлов ғолиблари махсус сертификат билан тақдирланди.

Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали ташаббуси билан Жиззах вилояти ОТМлари ўртасида биринчи марта онлайн конгест бўлиб ўтди. Ўзбекистон бўйича дастурлашга кизиқувчи 33 нафар талабалар иштирок этишди. Шундан 15 нафари филиалнинг 1-курс ёш дастурчи талабаларидир. Мусобақа натижалари бўйича ғолиблар аниқланди.

**1-ўрин:** Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали талабаси Абдуғаниев Ахрор;

**2-ўрин:** Жиззах давлат педагогика институтининг талабаси Жуманов Шохрух;

**3-ўрин:** Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали 1-курс 103-гурух талабаси Айханов Аслиддин.

Филиалнинг информатика ва ахборот технологиялари йўналиши талабаси Рахматов Дилмурод 2020 йилда Нурсултон шаҳрида ўтказилган “2020 йил МДХ давлатларнинг энг яхши талабаси” танлови ғолиби бўлди ҳамда кўкрак нишони ва гувоҳномасини қўлга киритди. Қолаверса ушбу танлов бўйича 2020 йил учун “Вилоят хокими стипендияси” соҳиби бўлди.

2020 йил 10 июль куни **Республика миқёсида ўтказилган онлайн фан олимпиадасида** филиалнинг **3 нафар** иқтидорли талабалари фахрли ўринларни эгаллашди:

- таълимда ахборот-коммуникация технологиялари фани бўйича **Абдуғаниев Ахрор Шавкат ўғли** фахрли **3 ўринни**;

- олий математика фани бўйича **Камолов Хусан Нумон ўғли** фахрли **3 ўринни**;

- таълимда ахборот-коммуникация технологиялари фани бўйича **Рахматов Дилмурод Рустам ўғли** фахрли **2 ўринни** эгаллади.

2020 йил 5 декабрь куни Россия, Беларус ва Марказий Осиё мамлакатлари талабалари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган “Конкурс лучших студенческих работ” IV халқаро илмий-амалий мақолалар танловида Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали талабалари **Рахматов Дилмурод, Абдуғаниев Ахрор, Бўрибоев Абдуфаррухлар** фахрли иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги Зомин оромгоҳида ўтказилган 70 нафарга яқин ИТ соҳасига қизиқадиган, дастурлаш сирларини энди ўрганаётган ёшлар ўртасида 6 йўналиш бўйича жами 10 та номинацияда ўтказилган форумда филиалнинг 2 нафар талабалари **Рахматов Дилмурод** – “Энг зўр мобил илова яратувчи” ва **Абдиев Хусниддин** – “Энг зўр веб-сайт яратувчи” номинацияларини қўлга киритишди ва дипломлар билан тақдирланишди.

“Илм-фан ва таълимда инновациялар: муаммо ва истиқболлар” мавзусидаги 1-чи талаба-ёшлар конференцияси 2020 йил 1 май куни (Zoom дастурида) онлайн тарзда ўтказилди. Конференция доирасида “Тараққиёт

ёшлари” илмий-оммабоп мақолалар танлови ўтказилди. Танловда ғолиб деб топилган 5 нафар талаба конференция шўъба йиғилишида ўз маърузалари билан иштирок этишди ва махсус сертификат билан тақдирланди.

**Филиал профессор-ўқитувчиларининг 2020 йил илмий тадқиқот ишлари буйича қуйидагилар нашр қилинган:**

**Чет эл халқаро журналларидаги мақолалар сони – 28 та;**

*Амалий математика ва информатика кафедраси-7 та;*

*Психология ва гуманитар фанлар кафедраси-8 та;*

*Табиий фанлар ва иқтисодиёт кафедраси-7 та;*

*Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси-6 та.*

**Республика журналларида мақолалар – 17 та;**

*Амалий математика ва информатика кафедраси-6 та;*

*Психология ва гуманитар фанлар кафедраси -3 та;*

*Табиий фанлар ва иқтисодиёт кафедраси-7 та;*

*Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси-1 та.*

**Халқаро конференцияларида иштирок этиш - 15 та;**

*Амалий математика ва информатика кафедраси-3 та;*

*Психология ва гуманитар фанлар кафедраси -1 та;*

*Табиий фанлар ва иқтисодиёт кафедраси-2 та;*

*Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси-9 та.*

**Республика конференциялари ва тўпламларидаги мақолалар – 53 та;**

*Амалий математика ва информатика кафедраси-20 та;*

*Психология ва гуманитар фанлар кафедраси -12 та;*

*Табиий фанлар ва иқтисодиёт кафедраси-13 та;*

*Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси-8 та.*

**ОТМ конференциялари ва илмий тўпламларида – 20 та;**

*Амалий математика ва информатика кафедраси-7 та;*

*Психология ва гуманитар фанлар кафедраси -8 та;*

*Табиий фанлар ва иқтисодиёт кафедраси-2 та;*

*Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси-3 та.*

**Дарсликлар – 1 та;**

*Амалий математика ва информатика кафедраси-1 та;*

**Патент ва дастурий гувоҳномалар: 4 та;**

*Амалий математика ва информатика кафедраси-4 та;*

**Монографиялар – 3 та;**

*Амалий математика ва информатика кафедраси-1 та;*

*Психология ва гуманитар фанлар кафедраси -1 та;*

*Табиий фанлар ва иқтисодиёт кафедраси-1 та;*

**Ўқув қўлланмалар – 2 та;**

*Амалий математика ва информатика кафедраси-1 та;*

*Психология ва гуманитар фанлар кафедраси -1 та*

**Жами илмий ишлар – 143 та.**